

Гулҳумор Умматалиевна ТҶИЧИЕВА
“Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот
институтини Оилавий қадриятларни
муштаҳкамлаш ва оила психологияси бўлими
бошлиғи, филология фанлари доктори (DSc)

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ДИНИЙ ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИ

ПРОЦЕСС РЕЛИГИОЗНОЙ РЕФОРМЫ В НОВОМ УЗБЕКИСТАНЕ

THE PROCESS OF RELIGIOUS REFORM IN THE NEW UZBEKISTAN

Аннотация: Мақолада Янги Ўзбекистон барпо қилиш шароитида жамиятда ислом динининг нуфузли мавқеини таъминлаш, оилавий таълим ва тарбияни ислом қадриятлари асосида таъмин қилиш, дунёвийлик билан диний тафаккур масалаларини узвийликда олиб бориш ва ёт ғояларига қарши курашиш, болаликдан соғлом иммунитетни шакллантириш орқали соғлом жамиятни бунёд қилишга доир ислом маърифати ва қадриятлари борасида фикр юритилади.

Таянч сўзлар: ёшлар, диний эътиқод, ислом қадриятлари, таълим, тарбия.

Аннотация: Статья посвящена главным принципам по обеспечению в обществе уважительного отношения к религии в условиях создания Нового Узбекистана, вопросам формирования исламских общечеловеческих ценностей в семье, единству ценностной основы секуляризма и религиозного сознания, необходимости борьбы против пагубных экстремистских течений современности, выстраивания здорового иммунитета в целях создания здорового общества путем внедрения исламских просветительских ценностей в сознание молодежи.

Ключевые слова: молодежь, религиозные убеждения, исламские ценности, образование, воспитание

Annotation: The article is devoted to the main principles for ensuring respectful attitude to religion in society in the context of the creation of New Uzbekistan, the formation of Islamic universal values in the family,

the unity of the value basis of secularism and religious consciousness, the need to fight against the harmful extremist trends of our time, building healthy immunity in order to create a healthy society, by introducing Islamic educational values into the minds of young people.

Keywords: youth, religious beliefs, Islamic values, education, upbringing

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да бугунги замонавий ҳаётнинг барча устувор йўналишларига доир кенг миқёсли масалалар кўлами қайд этилган. Ана шундай мамлакатимиз ривожини учун ўта муҳим бўлган долзарб йўналишлар ичида оилада ислом маърифати ва ислом қадриятлари тарбияси масалаларига алоҳида урғу берилган бўлиб, ёшларда диний эътиқодга нисбатан соғлом муносабатни шакллантириш давримизнинг энг долзарб вазифаларидан бири эканлиги таъкидлаб ўтилган. Мамлакатимизда барпо қилинаётган Янги Ўзбекистон стратегик мақсадлари билан узвий ягоналик касб этган ҳолда Президент Ш.М.Мирзиёев асарлари, маърузалари, чиқишлари, журналистлар саволларига берилган жавобларида ислом дини ва унинг мавқеи, ислом маънавияти ва маърифати, аждодлар илмий мероси ва одоб, ахлоққа оид қадриятлар тизимининг бугунги авлодлар тақдири нечоғли катта аҳамият касб этиши таъкидлаб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида қайд этилишига кўра, “Марказий Осиёлик Уйғониш даврининг кўплаб ёрқин намоёндалари ислом ва жаҳон цивилизациясига бебаҳо ҳисса қўшган”[4].

Диний эътиқодга доир масалалар қаторида ислом қадриятлари асосида ёшларимизнинг ахлоқини шакллантириш даркорлиги қайд этилди. Бинобарин, дин омилининг жамиятлар ривожига, инсонлар ҳаётидаги ўрни жуда катта бўлиб, жаҳон илм-фани тараққиётида

ислом цивилизациясини моддий ва маънавий жиҳатдан бунёд қилган олимлар мавжуд. Уларнинг ичида эса айнан Мовароуннаҳр уламою фозил кишиларининг ўрни ва илмий мероси аҳамияти эътироф этилган объектив ҳақиқатдир.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, **“Ҳозирги пайтда жамият ва цивилизациялар, аввало, ижтимоий қадриятлар ва таълим тизимлари билан рақобатлашмоқда. Шу нуқтаи назардан, буюк аجدодларимиз бўлган ислом оламининг мутафаккирлари асарларини, уларнинг бутунжаҳон цивилизацияси ривожига қўшган бебаҳо хиссасини чуқур ўрганиш, теран англаш ва кенг оммалаштириш алоҳида аҳамиятга эгадир”** [2; 3; 6;].

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ислом қадриятларини тиклаш, фуқаролар диний эътиқодига ҳурмат билан ёндошиш, дунёвий давлатда динларнинг қонун олдидаги тенглиги, диний эркинлик тамойиллари асосида яшаш зарурлиги таъкидланди. Шу жумладан, диний эътиқодга нисбатан соғлом дунёқараш ва муносабатни шакллантириш, ислом дини асослари, ислом эътиқоди, ислом обидалари, дунё таниган улуғ алломаларининг илмий-тарихий асарларини қайта тиклаш, уларни ўрганиш, ўзлигимизга қайтиш масалалари давлат сиёсатининг зарур жабҳаларидан бири бўлди.

Бинобарин, бизнинг ҳудудимиз, яъни Мовароуннаҳрдан етишиб чиққан алломалар, фозиллар, мутафаккирлар, олимлар, шоирлар, ҳадисшунос ва фикҳшунос уламолар миллий маънавиятимиз асосчилари бўлиб, уларнинг асарлари, қарашлари ва ғояларида акс эттирилган инсоний тафаккурни янги авлодларга етказиб бериш, ўсиб келаётган авлодларни миллий маданиятимиз сарчашмаси бўлган ислом қадриятлари асосида шакллантириш долзарб вазифадир.

Замонавий таълим ва тарбия жараёнини эса ислом ақидалари, тафаккури ва гуманитар қадриятлари тизими, ислом ахлоқидан айри ҳолда тушунтириш ва англаш мумкин эмас.

Ислом қадриятлари инсон тарбиясининг узвий таркибий қисмидир. Бинобарин, оилавий таълим ва тарбия жараёнини ислом қадриятлари асосида ҳам ташкил қилиш, дунёвийлик билан диний тафаккур масалаларини узвий бирликда олиб бориш зарур.

Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида сўзланган нутқи ислом қадриятларини ўрганишни энг долзарб вазифалар қаторига қўшади [8]. Президент нутқида Бош Ассамблеянинг **“Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган резолюциясини қабул қилиш таклифи берилди. “Бу ҳужжатнинг асосий мақсади — барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга кўмаклашишдан иборат”** қилиб белгиланди.

Президент Ш.М. Мирзиёевнинг мазкур глобал аҳамиятга молик ташаббусини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги резолюция лойиҳа матнини ишлаб чиқди ҳамда уни ҳамкор давлатлар билан муҳокама қилиш жараёни бошланди. Озарбайжон, Жазоир, Баҳрайн, Беларусь, Гана, Миср, Ҳиндистон, Қозоғистон, Канада, БАА, Қатар, Ўмон Султонлиги, Қирғизистон, Ливан, Марокаш, Покистон, Корея Республикаси, Россия, Саудия Арабистони, Сингапур, Судан, Тожикистон, Таиланд, Тунис, Туркменистон, Филиппин, Япония ва бошқа давлатлар резолюция ҳаммуаллифлари бўлди. Ҳужжатда кўзда тутилган қатор чоратadbирлар, хусусан, жамиятда турли дин ва эътиқодлар ўртасида аҳилликни мустаҳкамлаш, дунё халқларининг тарихи, анъаналари, тили ҳамда маданиятини юксалтириш, халқаро ҳамкорликни кучайтириш, фаол илмий тадқиқотлар олиб бориш бўйича таклифлар дунё ҳамжамиятида ниҳоятда катта қизиқиш уйғотди.

Шундай қилиб, 12 декабрь 2018 йилда Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ га киритилган **“Маърифат ва диний бағрикенглик”** махсус резолюцияси иштирокчи давлатлар томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди.

Бундан ташқари, дунё миқёсида ёшларга оид сиёсатни шакллантириш бўйича умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат — БМТнинг **“Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги**

халқаро конвенцияни ишлаб чиқиш” таклифи берилди. Ш.М.Мирзиёев томонидан халқаро ҳужжатнинг бош мазмуни шундай ифодаб берилди: **“Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўровонлик ғояси “вируси” тарқалишининг олдини олишдир”**.

“Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияни ишлаб чиқиш” таклифи орқали таълим тизимлари зиммасига ислом маърифати тўғрисидаги таълимотни кенг ёйиш вазифаси қўйилди. Шунингдек, турли ёт ғоялардан ёшларни муҳофаза қилиш йўналишида дунё миқёсидаги аҳвол, шунингдек ёт ғояларни қарши курашиш методлари муҳокама этилиб, дунёда терроризм таҳдидлари сўнгги йилларда кучайиб бораётгани, мамлакатлардаги уларга қарши асосан куч ишлатиш йўли билан курашиш усули ўзини оқламаётгани таъкидланди.

Бинобарин, замонавий дунёнинг зарарли ёт ғояларидан бўлган терроризм, экстремизм, фундаментализм кабиларга қарши айнан ислом дини қарашлари асосида, ислом қадриятларига таянган ҳолда курашиш зарур, ислом динини нотўғри талқин қилинишларига қарши ислом қадриятлари асосида болаликдан соғлом иммунитетни шакллантириш соғлом жамиятни бунёд қилишга тенг келади ва келгуси авлодларни хатоликлардан сақлаб қолади.

Ш.М.Мирзиёев дунё ҳамжамияти эътиборини куйидаги шарт-шароитлар таҳлилига қаратди: *“Бу борада кўп ҳолларда таҳдидларни келтириб чиқараётган асосий сабаблар билан эмас, балки уларнинг оқибатларига қарши курашиш билангина чекланиб қолинмоқда. Халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омиллар билан бирга, жаҳолат ва мурасизлик ташкил этади, деб ҳисоблайман. Шу муносабат билан ... ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир. Экстремистик фаолият ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилмоқда. Бугунги дунё ёшлари – сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг*

йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда. Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратишдир” [5].

Мазкур ҳужжатда ёшларни тарбия қилиш омиллари таҳлили жараёнида ислом ақидалари ва қадриятларини ўрганиш не чоғли муҳим эканлиги қайд этилди: *“Биз бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз. Биз муқаддас динимизни азалий қадриятларимиз мужассамининг ифодаси сифатида беҳад қадрлаймиз. Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон мурося қила олмаймиз. Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади”*.

Айнан Ш.М.Мирзиёев томонидан бугунги таҳликали давр учун муҳим бўлган дин ва диний эътиқод масаласидаги демократик ва диний тамойиллар узвийлигига асосланган янги қарашлар тизими шакллантирилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг асарлари, чиқишлари, маърузалари, фармон ва қарорларида дин ва давлатнинг янгиланган моҳият асосидаги ўзаро ҳамкорлик муносабатлари мазмуни акс эттирилди, бағрикенг бўлиш ва кечиримли бўлиш тамойиллари таклиф этилди, адашган ёшларни жамият ҳаётига қайта қайтариш, уларни жамиятга реинтеграциясини таъминлаш, жамиятда уларнинг фаол қатнашишлари учун янги имкониятлар яратиш мақсадлари белгиланди. Давлат раҳбари чиқишларида билдирилган инновацион фикрлар асосида **ислом маърифати ва қадриятларига доир куйидаги бош тамойиллар** белгилаб берилди:

✓ ислом динининг **маънавий нур** эканлиги, бироқ Ўзбекистон мана нурдан узок йиллар айирилиб, унинг нур эканлигини унутиб қўйганлиги, мазкур **нурни халққа қайтариб бериш даркорлиги;**

✓ фарзандларни **ислом ахлоқи ва ислом маънавияти руҳида тарбия қилиш**

даркорлиги, бунинг учун ҳудудимиздан, яъни Мовароуннаҳрдан чиққан ҳадисшунос, фикҳшунос, ақида ва калом бўйича уламою фозилларимиз, буюк бобокалонлар, энциклопедист олимларимизнинг маънавий ва илмий меросини қайта тиклаб, улар ёш авлодга ўргатишимиз даркорлиги;

✓ **ислом ва Қуръон ҳеч қачон ёмонликка даъват қилмаслиги, Қуръонни эшитиш, эшита олиш юксак маънавият, маърифат эканлиги**, агар Қуръони Каримни эшита олсак ҳамда эшиттира олсак, бу муваффақият бўлиши, мамлакатимизга нур келиши [4];

✓ **дин ўзбек халқининг азалий қадрияти эканлиги** [6; 7], шу боис биз уни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралашимиз ва улар билан ҳеч қачон мурося қила олмаслигимиз;

✓ **Марказий Осиё Уйғониш даврининг кўплаб ёрқин намояндаларининг ислом ва жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссасини алоҳида ўрганмоқ лозимлиги;**

✓ **БМТ Бош Ассамблеясининг «Маърифат ва диний бағрикенглик» деб номланган махсус резолюциясини кенг тарғиб этиш даркорлиги.** Бу ҳужжатнинг асосий мақсади – барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга, **саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга кўмаклашишдан** иборат эканлиги. Ушбу резолюция бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликка кўмаклашишга қаратилгалиги;

✓ **Ўзбекистон ҳукумати диний экстремизмда гумон қилиниб, шафқатсиз қийноққа солинган фуқароларни авф этиш сиёсатини олиб бориши, уларни қайтадан жамият ҳаётига қайтариш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилинишини таъминлаш, таълим олиш имкониятларини кенгайтириш зарурлигини, ислом маърифатини кенг тарғиб қилиш ва таълим сифати даражасини ошириш зарурлигини, вилоятларда калом, ҳадис, ақида, ислом ҳуқуқи, тасаввуф мактабларини ташкил қилиш истиқболда ёшлар ичидани Учинчи ренессансга асос бўлиши;**

✓ **халқаро терроризм, экстремизм, наркотрафик, диний қарама-қаршилик, ноқонуний миграция, одам савдоси, экологик муаммолар, айрим минтақаларда иқтисодий ночорлик, ишсизлик, қашшоқлик кучайиб бораётгани бутун инсониятни қаттиқ хавотирга солаётганлигини назарга олиш даркорлиги;**

✓ **Тинчлик ва осойишталикни, инсонийликни ҳамма нарсадан устун қўядиган халқимиз бундай терроризм, экстремизм, наркотрафик, диний қарама-қаршилик ботқоғига ботиб қолган шахсларни, уларнинг қилмишларини кескин қоралаши. Уларни ўзбек деган номга номуносиб деб ҳисоблаши;**

✓ **ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси «вируси» [4] тарқалишининг олдини олиш даркорлиги.**

✓ **Шавкат Мирзиёев ислом дини тинчликка, маърифатга ва маънавий бойликка даъват этадиган дин эканлигини таъкидлайди;**

✓ **Тошкентда ўтган Ислом Ҳамкорлик ташкилотининг сессиясига «Таълим ва маърифат - тинчлик ва бунёдкорликка йўл» деган шиор танлашга қарор қилинди. «Шу маънода бизнинг буюк аجدодларимиз - Ислом дунёсининг мутафаккирлари ютуқлари, уларнинг жаҳон тамаддуни тараққиётига қўшган мислсиз ҳиссаларини тадқиқ этиш, ўрганиш ва оммалаштириш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон исломий маданият ноёб меросига эга ва Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Абу Райҳон Беруний, ал-Хоразмий, Имом ал-Мотуридий ва бошқа буюк арбобларнинг номлари нафақат мусулмон мамлакатлари ва бутун дунёга яхши таниш эканлиги;**

✓ **Ўзбекистон ҳам саёҳат, ҳам зиёрат учун қулай мамлакат эканлиги.** Чунки она заминимизда бутун дунёга маълум ва машҳур бўлган аждодларимиз мангу қўним топган. Улар қолдирган **бой маънавий-маданий меросга халқаро майдонда қизиқиш жуда катта.** Соҳани янада ривожлантириш учун, аввало, зарур инфратузилмани такомиллаштириш шарт. Биринчиси, транспорт, иккинчиси логистика, эканлиги.

Демак, таълим тизими, илмий-тадқиқот фаолияти, хусусан оилавий таълим ва тарбия жараёнидан талаб этилаётган долзарб вазифаларидан бири – ўсиб келаётган янги авлодларни ислом қадриятлари асосида тарбия қилиш, улар тафаккурини шакллантириш, соғлом эътиқод қилувчи фарзандларни улғайтиришдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги 16 апрель 2018 йил ПФ-5416-сонли Фармонида таъкидланишига кўра, *“Улуг аждодларимиз томонидан яратилган ва бугунги кунда бутун маърифатли дунёни ҳайратга солиб келаётган илмий мерос фақат бир миллат ёки халқнинг эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки бўлиб, бу бебаҳо бойлик янги ва янги авлодлар учун донишмандлик ва билим манбаи, энг муҳими, янги кашфиётлар учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир”* [8; 9; 10].

ХУЛОСА

Бинобарин, мана шу бетакрор қадриятлар мажмуи бўлган илмий меросни ўрганиш, унинг дунё ва ислом цивилизациясида тутган ўрнини мутаносиб баҳолаш тақозо этилади. Айниқса, ислом қадриятларининг оилавий тарбияда тутган ўрнини юқори баҳоламоқ жойиздир. Бугунги кунда ислом маърифати ва маънавиятини кенг тарғиб қилиш, ёшларни азалий ислом қадриятлари асосида тарбия қилиш вазифасини амалга ошириш муҳимдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Ж. 1. – Т.: Ўзбекистон, 2017;
2. Мирзиёев Ш.М. Халқимиз розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Ж. II. – Т.: Ўзбекистон, 2018;
3. Мирзиёев Ш.М. Билимли авлод – буюк келажагимизнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи // Маърифат, 2017, 20 сентябрь.
5. Тошкентда ИХТ ТИВКнинг 43-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев маърузаси.
6. Назаров Қ. Қадриятлар фалсафаси. –Тошкент, 2011. – 202 б.
7. Назаров Қ. Қадриятлар фалсафаси (Аксиология). –Тошкент: Файласуфлар жамияти. 2004. – Б. 3
8. http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3107036
9. <https://kun.uz/56106155?q=%2F56106155>;
10. <http://hordiq.uz/2017/09/20/shavkat-mirziyoevning-bmtdagi-tarixiy-nutqi-tuliq-matn/>